

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**  
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ  
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**  
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА  
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**  
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI  
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**  
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ  
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН  
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ  
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**  
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**  
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA .....562
- 75.Қурбонов Э.Э.**  
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**  
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**  
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ  
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**  
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН  
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590

<b>80.Холмўминов Ҳ.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
<b>81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С.</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
<b>82.Ўтанов Х.Ш.</b> XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
<b>83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б.</b> ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
<b>84.Юлдошева Б.М.</b> XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
<b>85.Ғаффоров Я.Х.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
<b>86.Шайдуллаева Г.Ш.</b> БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
<b>87.Yakubova Sh.A.</b> O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Холмўминов Хусан Эшмўминович  
Тарих фанлари номзоди, доцент,  
Термиз давлат университети

## ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ ( XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ)

*For citation: Kholmuminov Husan Eshmuminovich. POPULATION DEMOGRAPHICS IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN (THE END OF THE XIX CENTURY - THE BEGINNING OF THE XX CENTURY). Look to the past. 2020, SI, pp.596-603*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-80>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон жанубий воҳаларидаги аҳолининг демографик ҳолатлари ҳамда ижтимоий турмуш тарзидаги ўзига хос муаммолар ва уларни бартараф этиш борасидаги ислоҳатларнинг ўзига хос аҳамияти масалалари илмий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Бойсун, Шеробод, Денов, Қарши, Гузор бекликлари, Паттакесар атрофидаги биринчи рус манзилгоҳлари, Занг канали, Саловат, Паттакесар ариқлари, аҳолининг демографик муаммолари.

Холмуминов Хусан Эшмуминович,  
кандидат исторических наук, доцент,  
Термезский государственный университет

## ДЕМОГРАФИЯ НАСЕЛЕНИЯ В ЮЖНЫХ РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА (КОНЕЦ XIX ВЕКА-НАЧАЛО XX ВЕКА)

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются демографические и социальные проблемы населения южных регионов Узбекистана и конкретные проблемы реформирования общественной жизни Узбекистана.

**Ключевые слова:** Байсун, Шерабад, Денов, Карши, Гузор, крепости, первые

русские поселения вокруг Паттакешара, Зангский канал, Саловат, Паттакесар, демографические проблемы

**Kholmuminov Husan Eshmuminovich,**  
candidate History, Associate Professor,  
Termez State University

## POPULATION DEMOGRAPHICS IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN (THE END OF THE XIX CENTURY - THE BEGINNING OF THE XX CENTURY)

### ABSTRACT

This article analyzes the demographic and social issues of the population of the southern regions of Uzbekistan and the specific problems of reforming the social life of Uzbekistan.

**Index Terms:** Baysun, Sherabad, Denov, Karshi, Guzor fortresses, the first Russian settlements around Pattakesar, Zang Canal, Salovat, Pattakesar, demographic problems.

Долзарблиги. XIX аср охири -XX аср бошларидаги Бухоро амирлиги жанубий ҳудудларида аҳолининг демографик жараёнлари ўзига хос аҳамият касб этган. Бу даврда амирликнинг жанубий ҳудудларида ҳам чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатининг таъсири ҳамда мавжуд демографик жараёнларда ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги асосий сабаблардан бири ҳисобланган.

Барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолар билан бир қаторда, бу даврда демографик жараёнлардаги муҳим жиҳатлар аҳоли сони ҳамда миллий таркибидаги ўзига хос ўзгаришлар билан ҳам изоҳланади. Яъни мустамлакачилик жараёнларида аксарият ҳолатларда турли миллат вакиллариининг кўчирилиши натижасида воҳаларнинг маъмурий марказларида аҳоли сонининг ҳамда миллий таркибининг ортиши ҳолатлари кузатилсада, аммо уларнинг ижтимоий турмуш даражаси, кўпроқ қишлоқ ҳудудларида анча оғир даражада эди [1, Б.47]. Ушбу тадқиқотлар давомида жанубий воҳаларда аҳолининг демографик жараёнларидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ижтимоий турмуш даражасига таъсири масалалари илмий тарзда таҳлил этилган.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу илмий мақола тарихий методлар, холислий тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XIX аср охири -XX аср бошларидаги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги тарихий демографик жараёнларидаги муаммолар ва уларнинг аҳолининг ижтимоий турмуш тарзидаги ҳолатларга таъсири масалалари ўрганилган. Жумладан жанубий воҳалардаги бекликлар ва унга тегишли бўлган амлоқдорликларда бу даврда аҳолининг ижтимоий турмуш даражасида кўплаб муаммоли ҳолатлар кузатилган. Бундай муаммоларнинг мавжуд бўлиши албатта шу даврда бекликлар ҳудудидаги аҳолининг анча қолоқ тарздаги ижтимоий турмуши, шунингдек аҳоли ижтимоий ҳўжалигининг бир ёқлама (кўпроқ деҳқончилик ва чорвачилик) тарзда бўлганлиги, демографик жараёнларга таъсир қилган муҳим омиллар ҳисобланади. Аҳоли ижтимоий турмуш даражасидаги бундай камчиликлар албатта кўплаб демографик муаммоларни келтириб чиқарган. Жумладан тиббий санитария ҳолатларининг яхши йўлга қўйилмаганли, ҳамда

кўшни давлатлар билан алоқаларда тиббий назоратнинг таъминланмаганлиги, шунингдек, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланмаганлиги оқибатида бу даврда турли юқумли касалликлар (ўлат, ич терлама, ўткир ичак касалликлари ва бошқа..) нинг ортиб кетиши демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатган. Ушбу маълумотларни тарихийлик жиҳатидан ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилояти Давлат архивлари маълумотлари муҳим манбалардан бири сифатида ўрганилди [9,Б.57]. Шунингдек, Бу даврда Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати натижасида амалга оширилган кўчириш сиёсати ва унинг ижтимоий оқибатлари ва унинг демографик жараёнларга таъсири масалалари илмий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг бир қатор олимлари томонидан нашрга тайёрланган илмий асарлар[1,Б.44]да, ҳамда Ш.Ғофоровнинг тадқиқотларида ва бошқа бир қатор тадқиқотларда кенг миқёсда ёритиб ўтилган. Бухоро амирлигининг жанубий бекликлари ҳисобланган ушбу ҳудудлардаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи масалалари бир қатор олимлар Р.Ҳолиқова[3,Б.147], С.Турсунов[16,Б.209], Э.Қабуллов[6,Б.48]. ва бошқа олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда бугунги кунда бу тадқиқотлар янада кенг кўламда давом эттирилмоқда..

### 3.Тадқиқот натижалари:

ХІХ аср иккинчи ярми ХХ аср бошларида Бухоро амирлиги жанубий-шарқий бекликлари ижтимоий-сиёсий ва демографик ҳолатида ўзига хос мураккабликлар ҳамда ижтимоий муаммолар мавжуд бўлган. Ижтимоий жараёнлардаги бундай ҳолатлар албатта воҳа иқтисодиётининг қолоқлиги, хусусан, аҳолининг бир ёқлама (деҳқончилик ва чорвачилик) меҳнат ресурслари билан шуғулланиши жараёни билан бевосита боғлиқ эди. Аҳоли демографик ҳолатидаги мавжуд муаммолар яна шу билан боғлиқ эдики, бу даврда аҳоли ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш борасида меҳнат ресурслари янада яхшилаш шунингдек, иш ўринларини яратиш, воҳа ҳудудлари бўйлаб саноат соҳаларини кўпроқ жалб этиш ишлари етарли даражада олиб борилмади. Бундай ҳолатлар сабабли воҳа аҳолиси ижтимоий турмуш даражасида етарлича муаммоли ҳолатлар мавжуд эди.

ХІХ аср охири -ХХ аср бошларидаги Бухоро амирлиги жанубий ҳудудларида аҳолининг демографик жараёнлари ўзига хос аҳамият касб этган. Бу даврда амирликнинг жанубий ҳудудларида ҳам чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатининг таъсири ҳамда мавжуд демографик жараёнларда ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги асосий сабаблардан бири ҳисобланган.

Барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолар билан бир қаторда, бу даврда демографик жараёнлардаги муҳим жиҳатлар аҳоли сони ҳамда миллий таркибидаги ўзига хос ўзгаришлар билан ҳам изоҳланади. Яъни мустамлакачилик жараёнларида аксарият ҳолатларда турли миллат вакиллариининг кўчирилиши натижасида воҳаларнинг маъмурий марказларида аҳоли сонининг ҳамда миллий таркибининг ортиши ҳолатлари кузатилсада, аммо уларнинг ижтимоий турмуш даражаси, кўпроқ қишлоқ ҳудудларида анча оғир даражада эди[1,Б.47].

Бухоро амирлигида қарашли ҳудудларда жумладан жанубий воҳаларда бу даврга келиб, ўзига хос бошқарув тарзини ташкил этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий демографик жараёнларини яхшилаш борасида маълум ишлар амалга оширилди. Сурхон воҳаси ҳудудлари ҳам Муҳаммад Раҳимбийнинг қаттиққўл сиёсатини ўз бошидан ўтказди ва Бухоро амирлиги тартибларига риоя қилинган ҳолда бошқарилди. Воҳа ҳудудида бекликларнинг ташкил топиши айнан манғитлар

даврига бориб тақалади. Бу даврда жанубий воҳалар бекликлари аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Бу муаммолар албаттга ўзига хос тарзда бекликлар ижтимоий шароитида бошқарув тартибларининг яхши ташкил этилмаганлиги ҳамда аҳолининг оғир турмуш даражалари билан бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланар эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг умумий сони 2 миллион 153 минг 240 киши бўлиб, миллий таркибида аҳолининг 1,5 млн. кишидан ортиқроғини ўзбеклар ташкил этган. Аҳоли миллий таркибида иккинчи ўринда тожиклар бўлиб, уларнинг умумий сони 500 минг кишини, шунингдек туркманлар сони 200 минг кишидан иборат бўлган[2,Б.197].

Маълумотларга кўра, XIX аср охирида Бухоро амирлигида 27 та беклик бўлиб[3,Б.147], шундан жанубий ҳудудларда Қарши, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Ғузур бекликлари ҳамда шарқий Бухоро деб аталган жуғрофий ҳудудда 10 та беклик: Бойсун, Денов, Қабодиён, Қўрғонтепа, Қоратегин, Кўлоб, Балжувон, Ҳисор, Сарихўй, Шеробод бекликлари мавжуд эди [4,Б.21]. Бухоро амирлигининг жанубий шарқий беклиги ҳудудлари аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил этиб, улар жуда хилма хил уруғлардан иборат бўлган[5,Б.44].

Ижтимоий турмуш шароитида муаммоларнинг мавжудлиги аҳоли сонининг ортишиш жараёнларига ҳам ўзига хос тарзда таъсир кўрсатган. Статистик маълумотларга кўра, 1886 йилда Бойсун беклигида 30.000, Денов беклигида 50.000, Шеробод беклигида 65.000 аҳоли истиқомат қилган бўлса, 1920 йилга келиб, Бойсун беклиги аҳолиси 42.806, Денов беклигида 69.352, Шеробод беклиги аҳолиси эса 113.281[6,Б.48] кишига ортаганлигини кўришимиз мумкин. Сурхон воҳаси оилаларида азалий қадриятлар асносида туғилиш жараёнлари (оилалардаги кўп фарзандлилиқ) юқори бўлсада, юқоридаги омилар туфайли бу даврда аҳолининг жиддий даражада ортиши ҳолатлари кузатилмаган.

XIX аср охири -XX аср бошларидаги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида аҳолининг демографик жараёнлари ўзига хос аҳамият касб этган. Бу даврда Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати натижасида демографик жараёнларда ҳам ўзгаришлар юз берган. Яъни турли миллат вакилларининг кўчирилиши натижасида воҳаларнинг маъмурий марказларида аҳоли сонининг ҳамда миллий таркибининг ортиши ҳолатлари кузатилсада, аммо уларнинг ижтимоий турмуш даражаси, кўпроқ қишлоқ ҳудудларида анча оғир даражада эди. Жумладан аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ижтимоий турмуш тарзида тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда тиббий хизматни ташкил этиш ишларига етарлича эътибор қаратилмаганлиги боис шу даврда демографик жараёнларда муаммоли ҳолатлар кузатилган.

Бу даврда Россия империяси томонидан аста-секин Туркистонда суғориш тизимига эътибор қаратила бошлади. Бундай сиёсатдан кўзланган бош мақсад эса аввало аграр сиёсат яъни пахатчилик масаласини ҳал этиш эди[7,Б.48]. Шунингдек, чор Россияси маъмурлари томонидан биринчи галда рус аскарлари ҳамда уларнинг оилалари кўчириб келтирилган рус қишлоқларида озиқ- овқат ҳамда сув таъминотини яхшилаш ҳамда ижтимоий демографик ҳолатларидаги муаммоларни ҳал этиш масалаларига катта эътибор қаратила бошлади. Бу даврда Сурхон воҳасининг муҳим марказларидан бири ҳисобланган Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда ирригация соҳаларида дастлабки ишлар амалга оширила бошлади. Ана шундай ишлардан бири 1898 йилдаёқ Термиз шаҳри атрофидаги 10 минг десятина ерни Сурхон дарёсининг ирмоғи бўлган Қизилсув дарёси ёрдамида

суғориш[8,Б.75]мақсадида муҳим ишлар амалга оширилди. Сув муаммоси туфайли аҳоли экинлари қисқартирди ҳамда 20та хўжаликлар бошқа жойларга кўчирилди[9,Б.59]. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Термиз ҳамда Паттакесар манзилгоҳлари асосан рус ҳарбий маъмурлари жойлашган манзилгоҳлар ҳисобланган. Шу сабабли 1897 йилда асосий сув таъминоти ҳисобланган Паттакесар ҳамда Саловат ариғини таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратила бошланди[10,Б.248]. 1898 йилга келиб бироз сув таъминота яхшилансада, аммо бу ушбу ҳудудда жойлашган аҳоли хўжаликларининг барчасини қамраб олмас эди. Яъни шуни аълоҳида таъкидлаш керакки, Саловат ариғи асосан Сурхондарё суви билан таъминланган. Баҳорги тошқин пайтларида албатта ариқни лойқа сув қоплаши натижасида ариқлар тез тўлиб қолган. Ариқларни тозалаш ишлари эса ҳашарлар ёрдамида яъни қўл кучи ёрдамида амалга оширилган. Бундай ҳолатларда тозалаш ишларида албатта аҳоли зиммасига оғир юк ҳисобланиб, буни доимий тарзда амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаган. Буларнинг барчаси албатта сув таъминоти масаласида катта муаммо ҳисобланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Термиз ҳамда Паттакесар қишлоқлари атрофини сув билан таъминлаш борасидаги ушбу тадбирлар барча аҳоли вакиллари қамраб олмас эди. Яъни бу ҳолатлар шу жиҳатлар билан изоҳланадиги, ушбу ислоҳатлар авваломбор маъмурий марказларда истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари, асосан рус ҳарбий аскарлари ҳамда уларнинг оила аъзолари манфаталарини таъминлашга ижтимоий турмуш тарзини яхшилашга қаратилаган. Воҳанинг чекка ҳудудларида эса бундай муамолар ҳал этиш ишларига жиддий эътибор қаратилмаган.

Шунингдек, бу даврда Сурхон воҳаси ҳудуди жойлашган Шеробод беклигида ҳам сув таъминоти масаласида жиддий муаммо ҳолатлар мавжуд бўлган. Жумладан Шеробод беклиги ҳудудларида ҳам сув таъминотини яхшилаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширила бошлаган. Чор Россияси маъмурлари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари бу даврда сув таъминотини яхшилаш борасидаги тадбирларда маҳаллий аҳолининг қўл кучи ёрдамида амалга ошириш орқали янгидан-янги суғориш тармоқларини вужудга келтира бошлаган.

1906 йилда Шеробод беклиги ҳудудига Сурхондарёдан сув чиқариш мақсадида Бухоро амири вакили Боймурод қоровулбеги маҳаллий амлоклик оқсоқоллари билан шартнома имзолайди. Шартномага мувофиқ, Жарқўрғон йўналишида бир минг беш таноб ерни ўзлаштириб сув чиқаришга келишилади. Ушбу келишув шартномасини Бухородаги Россия империясининг сиёсий бошқарма вакили билан Шеробод беги Мирза Салимбек ва қози Мулла Абдулла Хўжа имзолашади[11,Б.23]. Шуниси диққатга сазоворки, 1908 йил қурилиши бошланган Занг канали лойиҳасини Эшонбек исмли киши чизган. Эшонбек 55 - 60 километр узунликдаги ариқнинг йўлини от устида юриб кўрсатиб берган. Занг каналини қозишга бекнинг ўзи бош бўлган. Канал қозиш ҳашарида 4 мингдан ошиқ киши қатнашган. Жарқўрғон ариғи Занг қишлоғига кенгайтирилади. Канал Занг қишлоғи яқинида ўн иккита майда ариқчаларга бўлиниб, атрофдаги ерларга сув берган. Занг каналининг қазилиши аҳолининг сув таъминотига бўлган талабларини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилган. Жумладан сувга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик экинларидан яхши ҳосил олиш имкониятлари яратилган. Буларнинг барчаси аста-секин аҳолининг ижтимоий фаоллигининг ошишига яхши турмуш тарзининг таъминланишига хизмат қилган. Натижада 1911 йил сентябрида бекликлар аҳолиси амирликка Занг каналини яна кенгайтириш

мақсадида мурожаат қилади. Шеробод беги амирдан халқнинг талабини қондириш тўғрисида кўрсатма олади ва 1912 йилда Занг каналини кенгайтириш ишлари амалга оширилади. Шеробод беги атрофдаги аҳолидан ташқари, Гилямбоб, Таллашқон, Майдаариқ амлоқларидан ҳам ишчи кучи жалб қилиб, икки ой давомида кунига 1000 - 1500 мардикорни ишлатиб, канални Новшаҳаргача етказди [12,Б.75]. Занг каналининг узайтирилиши албатта янги ерларнинг ўзлаштирилишига сабаб бўлди. Янги ўзлаштирилган ерларга аҳоли хўжаликлари кўчиб келиб, истиқомад қила бошлади. Каналнинг барпо этилиши сувга бўлган талаб таъминланиши ҳамда амлоқдорлик хўжаликларида асата-секин хўжалик турмуш даражасининг яхшиланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Жанубий воҳалар бекликларида аҳолининг ижтимоий турмуш даражасидаги ўзгаришлар яъни, ижтимоий турмуш даражасининг яхшиланиши, сув таъминоти масаласидаги ислохотларда аста-секин аҳолининг ўтроқ турмуш даражасига ўтишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида кўчиб келган аҳоли вакиллари чорвачилик хўжалигидан ташқари ўтроқ деҳқончилик маданиятини янада ривожлантириш ишларига кўпроқ эътибор қарата бошлаган. Демографик жараёнларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жанубий ҳудудлар аҳолиси бу давра асосан кўпроқ ўтроқ турмуш тарзига ўтиши жараёни янада жадаллашди. Бу омиллар натижасида жанубий воҳаларда аста-секинлик билан маъмурий марказлар ҳисобланган шаҳарларда аҳоли сонининг ортиши билан изоҳланади. XIX аср охири - XX аср бошларида жанубий воҳалардаги катта шаҳарлар сони бир неча ўндан ортиқ бўлиб, булардан Қарши, Шахрисабз, Китоб, Бойсун, Термиз, Юрчи, Денов, Сарижўй, Шеробод шаҳарлари муҳим ўрин тутган. Бу шаҳарларда аҳоли сони муттасил ортиб борган. Жумладан маълумотларга кўра Қарши шаҳри аҳолиси 1897 йилларда 15198 кишини ташкил этган бўлса, [13,Б.63] 1926 йилга келиб 37587 кишига ортганлигини кўришимиз мумкин [14,Б.224]

Аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш ҳамда уларнинг демографик жараёнларидаги муаммоли жараёнларнинг аста-секин бартараф этилиши каби омиллар XX аср бошларига келиб жанубий воҳаларда аҳоли сони ва миллий таркибининг ўсиш ҳолатлари кузатилган. Жумладан 1924 йилги районлаштириш комиссияси материалларида Юқори Сурхонда (Денов шаҳри) 16067 киши, Юрчи уездида 54361 киши, Сурхоннинг ўрта ҳавзасида 38294 кишидан иборат бўлган. Умуман бу даврда Шимолий Сурхон воҳасида 108726 киши рўйхатга олинган бўлиб, аҳоли миллий таркибида ўзбеклар 32442 киши, тожиклар 19574 киши, туркманлар 165 киши, қozoқлар 80 киши, араблар 150 киши, қолган миллат вакиллари 1646 кишини ташкил этган [15,Б.29].

XX аср бошларида жанубий воҳаларда аҳоли сони ҳамда миллий таркибининг ортишида албатта барча ижтимоий омиллар билан бир қаторда, Россия маъмурлари томонидан Сурхон воҳасига саноат соҳасини олиб кирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бу даврга келиб жанубий воҳаларда аграр соҳадаги ислохотлар чор Россиясининг пахтачилик саноатини ривожлантиришга эътибор қаратилиши албатта катта манфаатларни кўзлаб амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Бу борадаги ислохотлар мобайнида XX аср бошларида жанубий ҳудудларда хусусан Термиз шаҳрида 30 дан ортиқ савдо ва саноат корхоналари пайдо бўлишига замин яратган. [16,Б.209] Пахтачиликда катта тажриба тўпланиб, Россия империяси учун муҳим бўлган хомашё базаси яратиш ишларига эътибор қаратила бошлаган. Бутун Шарқий Бухорода етиштирилган пахта хом ашёси Термиз шаҳрида тўпланган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, воҳада саноатнинг ривожланиши етиштирилган хом ашё ва саноат маҳсулотларини ташиб кетиш муаммоларини юзага келтирди. Ана шу муаммоларни ҳал этиш мақсадида XX аср бошларига келиб империя ҳукумати ҳарбий-стратегик жиҳатдан зарур бўлган Когон-Термиз темир йўлини қуриш бошланиб, 1916 йилга келиб Когон-Термиз темир йўли [17,Б.210] қуриб битказилади.

XIX аср охири - XX аср бошларида жанубий воҳалардаги аҳолининг демографик жараёнлари тарихини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу даврда жанубий воҳаларда аграр соҳадаги ислоҳатларнинг амалга оширилиши, пахтачилик саноатининг ривожлантирилиши каби омилларнинг туб моҳияти мустамлакачилик манфаатларини кўзлаб амалга оширилган бўлиб, жанубий воҳалар аҳоли вакилларининг ижтимоий демографик жараёнлардаги муаммоларини бартараф этишда асосий омиллар бўла олмаган. Яъни бу жараёнлар шу билан изоҳланадики, жанубий воҳалар бекликларидаги аҳолининг ижтимоий турмуш тарзида демографик жараёнларида хали кўплаб муаммолар мавжуд эди.

#### 4. Хулосалар:

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги демографик жараёнлар ўзига хос аҳамият касб этиб, бу даврларда жанубий воҳалар бекликларида аҳолининг ижтимоий демографик ҳолатига етарлича ҳисобга олинмаган. Натижада аҳолининг демографик ҳолатларида бир қатор муаммоли ҳолатлар келтириб чиқарган:

- жанубий воҳаларда аҳоли ижтимоий турмуш даражаси оғир ҳолатда бўлиши аввало бу даврда хўжаликнинг бир ёқлама (деҳқончилик ва чорвачилик) ривожланиши бўлган. Бунда ҳудудни ижтимоий -иқтисодий ҳолатини яхшилаш борасида саноат тармоқларини кириб келиши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилмаган. Натижада аҳолининг меҳнат ўринларини яратиш, шунингдек, иш билан таъминлаш масалалари эътибордан четда қолган.

Ижтимоий турмушнинг оғир ҳолатда бўлиши, демографик муаммолар яъни аҳолининг ижтимоий турмуш даражасига эътибор қаратилмаслик оқибатларида турли муаммолар ортиб борган.

- жанубий ҳудудлардаги бекликларда аҳоли ижтимоий шароитидаги муаммолар натижасида яъни тиббий санитария ҳолатлари эътибор қаратилмаслиги, тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги муаммолар туфайли турли касалликларнинг келиб чиқиши ва фуқароларнинг ёппасига касалликларга чалиниш ҳолатлари юқори бўлган.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т, 1. - Тошкент, 2000. - Б. 44. (Turkestan Russia's colonial era: Uzbekistan's new history. - Т.: Tashkent, 2000. - P. 44.)

2. Тўхтаметов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX- начале XX в с-14; 1969, с.197. (Tukhtametov T.G. Russian-Bukhara relations at the end of XIX-beginning of the XX in s-14; 1969, p.197)

3. Холиқова Р. Россия - Бухоро: тарих чорраҳасида. - Тошкент: Ўқитувчи, 2005. - 147 б. (R. Kholikova Russia - Bukhara: at the crossroads of history. - Tashkent: Teaching and Learning, 2005. - 147 p.)

4. Қобулов Э. Россия-Бухоро шартномаси ва шарқий Бухоро бекликларидаги сиёсий ҳаёт. Турон тарихи. 1985 йил №1 (83).:--Б 21 (Kabulov. Russian-Bukhara

Treaty and Oriental Bukhara Political Life. History of Turon. 1985 Jul No.1 (83).-P. 21)

5. Туркистон Чор Россияси мустанлакачилиги даврида:Ўзбекистонинг янги тарихи.Т,1. -Тошкент,2000. -Б.44. (Turkestan during the period of Tsarist colonization: a new history of Uzbekistan. T1. -Tashkent, 2000. -P. 44.)

6. Қобилов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. -Тошкент: Академнашр, 2012.-40.б (E.Kobilov. The farm of Surkhon district. -Tashkent: Academ publication, 2012.-40p)

7. Қобилов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. -Тошкент: Академнашр, 2012.-48.б (E.Kobilov. The farm of Surkhon district. -Tashkent: Academ publication, 2012.-48p)

8. Қобулов Э. Россия империясининг Сурхон воҳаси суғориш тизимидаги тадбирлари. Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг муамолари. Илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд - Тошкент, 2016. - 75 б; (Kobulov E.E. Measures in the list of irrigation of the Russian empire Surkhon oasis. Problems of social sciences and humanities in Uzbekistan. The collection of scientific and practical articles. VII - Tashkent, 2016. - 75 b;)

9. ЎМА, 1396-жамғарма, 2-рўйхат, 1490-иш,59-варақ. (NA of the Republic of Uzbekistan, Vox 1396, 2nd list, case 1490, page 59)

10. ЎМА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш,248-варақ. (NA of the Republic of Uzbekistan, 3rd bulletin, list 1, case 133, page 248)

11. Қабулов Э. XVIII асрнинг иккинчи ярми - XX бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент, 2019. -Б.23.(Kobulov.E. The second half of the XVIII century is the Surkhon oasis farm of the 20th century. Dissertation wrote for accepting the degree of Doctor of Historical Sciences (DSc). -Tashkent, 2019 Jul. -P. 23.)

12. Қобулов Э. Россия империясининг Сурхон воҳаси суғориш тизимидаги тадбирлари.Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг муамолари. Илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд - Тошкент:, 2016. - 75 б (Kobulov E.E. Measures in the list of irrigation of the Russian empire Surkhon oasis. Problems of social sciences and humanities in Uzbekistan. The collection of scientific and practical articles. VII - Tashkent , 2016. - 75 b ;)

13. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. - Т.: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сина, 1998.С-63 (Ata-Mirzaev O., Gentshke V., Murtazaeva R. Multinational Uzbekistan: historical and demographic aspects. - Т.: Medical literature. A.A. IbnSina, 1998.S-63)

14. Узбекская ССР. Экономика-географические очерки. -Ташкент: Госиздат УзССР,1963. -С.224 (Uzbek SSR. Economics-geographical essays. State Publishing House of the Uzbek SSR, 1963. -P.224)

15. Курбанов А. Шимолий Сурхон воҳаси этнографияси (XIX аср охири - XX аср биринчи ярми). -Тошкент: Янги нашр, 2014. 29-Б (Kurbanov A. Ethnography of the North Surkhon oasis (late 19th - early 20th centuries): Tashkent, Yangi Publication, 2014. 29-B)

16. Турсунов С., Қобилов Э., Муртозаев Б.ва бошқ. -Тошкент: Шарқ, 2004. - Б.209. (Tursunov S., Kobilov E., Murtozaev B.and others. -Т.: East, 2004. P-209.)

17. Турсунов С., Қобилов Э., Муртозаев Б.ва бошқ. -Тошкент: Шарқ, 2004. - Б.210 (Tursunov S., Kabilov E., Murtozaev B. and others. -Т.: East, 2004. P-210)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000